

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

378 **Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини:
яшаш учун анжомлар билан таъминлаш нормативлари 1-иловага мувофиқ;
озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш нормативлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

спорт анжомлари, спорт экипировкаси ва ихтисослаштирилган кийим билан таъминлаш нормативлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 9 сентябрь,
253-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 9 сентябрдаги 253-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар
ихтисослаштирилган республика олимпия захираси
спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини яшаш учун
анжомлар билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

(битта ўрин учун)

Т/р	Анжом номи	Ўлчов бирлиги	1 нафар ўқувчи-спортчи ҳисобига эҳтиёж	Фойдаланиш муддати*
1.	Тўшак	дона	1	5 йил
2.	Пахтали кўрпа	дона	1	3 йил
3.	Ёстиқ	дона	1	3 йил
4.	Қалин чойшаб	дона	1	5 йил
5.	Жун адёл	дона	1	3 йил
6.	Сочиқ	дона	2	1 йил
7.	Ёстиқ жилди	дона	2	1 йил
8.	Чойшаб	дона	2	1 йил
9.	Кўрпа чойшаби	дона	2	1 йил
10.	Кийим шкафи	дона	1	5 йил
11.	Жавонча	дона	1	5 йил
12.	Стол	дона	1	5 йил
13.	Стул	дона	1	5 йил
14.	Графин ва стакан	комплект	1	3 йил

* Яшаш учун анжомлар уларнинг амалдаги ҳолатини ва тегишли анжомларнинг фойдаланишга яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда алмаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 9 сентябрдаги 253-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар
ихтисослаштирилган республика олимпия захираси
спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини озик-овқат
маҳсулотлари билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

Т/р	Маҳсулотлар	Бир кунга грамм	Ккал
1.	1-навли бугдой нон	300	678
2.	1-навли бугдой уни	20	65,8
3.	Картошка уни	2	5,98
4.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	50	166,5
5.	Қанд-шакар	50	165,5
6.	Асал	30	101,37
7.	Қандолатчилик маҳсулотлари	25	101,5
8.	Сариёғ	50	374
9.	Ўсимлик ёғи	15	134,8
10.	Сут	500	290
11.	Қаймоқ	20	41,2
12.	Сузма	50	78
13.	Пишлоқ	15	55,6
14.	Гўшт, парранда гўшти	130	171,6
15.	Колбаса маҳсулотлари	25	69,3
16.	Балиқ	70	21,0
17.	Тухум (дона)	1	62,8
18.	Картошка	300	277,45
19.	Сабзавотлар, шу жумладан тоmat пастаси	450	126,0
20.	Мевалар, резаворлар, витаминлаштирилган шарбатлар	300	138,0
21.	Қуруқ мевалар, шу жумладан наъматак — 5 гр.	20	54,6
22.	Чой	0,5	0,545
23.	Какао	1	3,7
24.	Йодланган туз	8	0
25.	Ачитқилар	1	0,85
26.	Минерал сув	500	0
	Жами:		3184,07

Изоҳ: озик-овқатларнинг тўйимлилиги ва қувватини ҳисобга олган ҳолда уларни ўзаро алмаштиришга йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 9 сентябрдаги 253-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар
ихтисослаштирилган республика олимпия захираси
спорт мактаби ўқувчи-спортчиларини спорт анжомлари,
спорт экипировкаси ва ихтисослаштирилган
кийим билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Фойдаланишнинг чекланган муддатлари
1.	Гимнастика аргамчилари	дона	1	6 ой
2.	Гимнастика чамбараклари	дона	1	3 йил
3.	Гимнастика тўплари	дона	1	2 йил
4.	Гимнастика булавкалари	жуфт	1	2 йил
5.	Гимнастика ленталари	дона	1	1 йил
6.	Ленталар учун таёқчалар	дона	1	1 йил
7.	Машғулот кийими (майка, шортиклар)	дона	1	1 йил
8.	Шамолдан ҳимояловчи спорт костюмлари	дона	1	2 йил
9.	Гимнастика шиппаклари	дона	1	2 ҳафта